

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2024 йил 21 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман судининг очиқ суд мажлиси, жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Б.Мамадаминов,

судья ёрдамчиси З.Кобировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Янгиобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Бекмухаммедов, жабрланувчи Л.Норматова, судланувчи Б.С.Б ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ш.Ибрагимовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган С.Бга оид 1-1313-2401/45-сонли жиноят иши кўрилди.

С.Б-1984 йил 5 апрелда Фарғона вилояти, Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оиласи билан ажрашган, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судининг 2016 йил 30 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 3 ой қамоқ жазоси тайинланган, судланганлик ҳолати тугалланган, вақтинча ишламайди, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, “Янги хаёт” маҳалласи, Бешкуби кўчаси, 44-уйда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини 2024 йил 15 августда олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2015 йил 5 мартдаги суд буйруғига асосан С.Б ҳисобидан ундирувчи Норматова Лола Хайдаровнанинг фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда жами даромадининг ½-қисм миқдорида алимент пулларини тўлаши белгиланган бўлса-да, Б.С.Б алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман судининг 2023 йил 25 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси 1-қисмига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазосига тортилганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги даври учун ҳам 2023 йил март ойидан 2024 йил июль ойигача 16 ой учун 29.436.768 сўмлик, шунингдек маъмурий жавобгарликка тортилмасдан олдин 2016 йил июнь ойидан 2024 йил июнь ойигача



77.088.856 сўм, жами бўлиб 106.525.624 сўмлик алимент пулларини давлат ижрочининг огоҳлантиришига қарамасдан, фарзандларининг моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи Б.С.Б айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Л.Норматова билан турмуш қурганлиги, у билан биргаликда яшаган даврда уч нафар фарзандлари туғилганлиги, Л.Норматова билан ўзаро келишмовчилик натижасида 2015 йилдан буён бирга яшамаётганлиги, Л.Норматова фарзандлари учун алимент олиш мақсадида фуқаролик судига мурожаат этганлиги, суд қарори билан уч нафар фарзандлари учун ундан Л.Норматованинг фойдасига ҳар ойда жами даромадининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланганлиги, алимент тўлаш бўйича ижро ҳужжатлари билан Мажбурий ижро бюросининг Зарбдор туман бўлими ходимлари шуғулланганлиги, алимент пулларини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли бир неча мартаба 15 сутка маъмурий қамоқ жазосини ўтаб чиққанлиги, маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин ҳам тўлиқ алимент пулларини тўлай олмаганлиги, алимент қарзларини маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги даври учун ҳам тўламаганлиги, ҳозирги кунда 100 млн. сўмдан ортиқ алимент қарздорлиги борлиги, моддий аҳволи оғир бўлганлиги сабабли, алимент пулларини тўламасдан келганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини, оилавий аҳволини ва иккинчи турмушидан ҳам уч нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Б.С.Б айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги мақбул ва ишончли деб топилган далиллар мажмуи билан, яъни:

Судда сўралган жабрланувчи Л.Норматованинг Б.С.Б билан 2004 йилда апрель ойида қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қуриб, Зарбдор тумани Янги хаёт маҳалласида ховлида турмуш ўртоғининг ота-онаси билан биргаликда яшаганлиги, Б.С.Б билан биргаликда яшаган даврда уч нафар, яъни 21.07.2005 йилда туғилган Рўзиматов Диёрбек Ботир ўғли, 02.03.2007 йилда туғилган Рўзиматова Зарина Ботир қизи, 31.12.2011 йилда туғилган Рўзиматова Мадина Ботир қизи исмли фарзандлари туғилганлиги, турмуши бошидан яхши бўлмаганлиги, Б.С.Б кўп спиртли ичимлик истеъмол қилиб, оилага моддий ёрдам бермаганлиги, Б.С.Б ижара уй олиб, бошқа турмуш қуриб, улардан чиқиб кетганлиги, Россия давлатига ҳам кетиб қолганлиги, сўнг ўзи 2015 йилда фарзандларини олиб, ота-онасининг уйига кетганлиги ва ҳозирги кунга қадар ота-онаси билан бирга яшаб келаётганлиги, Б.С.Бдан уч нафар фарзандлари учун алимент ундириш учун судга ариза берганлиги, суднинг 2015 йил 5 мартдаги қарори билан уч нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар



ойда жами даромадининг 1/2 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлиги, ижро ҳужжати билан Мажбурий ижро бюроси Зарбдор тумани бўлими ходимлари шуғулланиб келганлиги, Б.С.Б алимент бўйича қарздорлик сабабли бир неча мартаба жавобгарликка тортилганлиги, шунда ҳам жазони ўтаб чиққанидан кейин ҳам алимент пулларини тўламасдан келганлиги, ҳозирги кунда Б.С.Б 100 млн. сўмдан ортиқ алимент пулини тўлаш лозимлиги, Б.С.Б алимент пулларини тўламасдан келаётганлиги учун унга нисбатан қонуний чора кўриб, пулни ундиришда амалий ёрдам бериш лозимлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Ж.Саттаровнинг Мажбурий ижро бюросининг Зарбдор туман бўлими давлат ижрочиси лавозимида ишлашини, фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2015 йил 5 мартдаги суд буйруғига асосан С.Б Ботир Рўзиматовичдан ундирувчи Норматова Лола Хайдаровнанинг фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда жами даромадининг 1/2-қисм миқдорида алимент пулларини тўлаш белгиланганлиги, бироқ Б.С.Б алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Зарбдор туман судининг 2023 йил 25 мартдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 474-моддаси 1-қисмига асосан 15 сутка маъмурий қamoқ жазосига тортилганлиги, шундан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги даври учун 2023 йил март ойидан 2024 йил июль ойигача 16 ой учун 29.436.768 сўмлик, шунингдек маъмурий жавобгарликка тортилмасдан олдин 2016 йил июнь ойидан 2024 йил июнь ойигача 77.088.856 сўм, жами бўлиб 106.525.624 сўмлик алимент пулларини тўламасдан келганлиги, айблов далолатномасида кўрсатилган 106.325.682 сўм арифметик хатоликлар туфайли нотўғри кўрсатилганлиги, ҳисоб-китоб қилишда Б.С.Б тўлаган алимент пуллари ҳамда бир нафар фарзанди 2023 йил август ойида вояга етганлиги сабабли чиқарилганлиги, шунда ҳозирги кунда Б.С.Бнинг жами алимент қарздорлиги 106.525.624 сўмни ташкил қилиши ҳақидаги кўрсатуви;

Шунингдек, иш материалидаги билдирги, аризалар, фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг 2015 йил 5 мартдаги ижро ҳужжати нусхаси, алимент қарзларини қайта ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги далолатномалар, фотосуратлар, ҳолат юзасидан олинган тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Б.С.Бнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 10 апрелдаги “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 15-бандида, судлар ҳукм чиқараётганда судланувчидан суд ҳукми билан аниқланган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиги билан бир қаторда, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлигини ҳам ҳисобга олиб ундиришни белгилашлари шартлиги, 16-бандида, шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 140-моддаси мазмунига кўра, агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс муайян даврда ишламаган бўлса, алимент бўйича қарз қарз ундирилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилиши ҳақида раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Бироқ, суд дастлабки тергов органи Б.С.Бни 2015 йил март ойидан 2024 йил июль ойигача 112 ой учун 106.325.682 сўмлик алимент пуллари тўламаган деб эътироф этиб, бир мунча хатоликка йўл қўйилган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 30-моддасида, ҳеч ким айтиб бериш учун такроран ҳукм қилиниши мумкин эмаслиги;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

шда аниқланган ҳолатга кўра эса, жиноят ишлари бўйича Жиззах туман судининг 2016 йил 30 сентябрдаги ҳукмига кўра, Б.С.Б 2015 йил март ойидан 2016 йил июнь ойига қадар тўламаган 6.750.147 сўм алимент пул маблағлари учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга 3 ой қамоқ жазоси тайинланиб, Б.С.Бдан жабрланувчи Л.Норматованинг фойдасига 6.750.147 сўм алимент пул маблағлари ундириш белгиланган.

Яъни, Б.С.Б 2015 йил март ойидан 2016 йил июнь ойига қадар тўламаган алимент пул маблағлари учун ҳукм қилиниб, тегишли жазосини ўтаб чиққан.

Суд, Б.С.Бнинг айбловидан 2015 йил март ойидан 2016 йил июнь ойига қадар алимент пул маблағлари тўламаганлиги ҳолатини чиқариб ташлашни лозим топади.

Аниқланган ҳолатга кўра, Б.С.Б маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги даври учун 2023 йил март ойидан 2024 йил июль ойигача 16 ой учун 29.436.768 сўмлик, шунингдек маъмурий жавобгарликка тортилмасдан олдин 2016 йил июнь ойидан 2024 йил июнь ойигача 77.088.856 сўм, жами бўлиб 106.525.624 сўмлик алимент



пулларини давлат ижрочиларининг огоҳлантиришларига қарамасдан, фарзандларининг моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Суд, судланувчи Б.С.Бга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлиги жазони енгиллаштирувчи, жиноятни паст ниятда содир қилганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга - маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, Б.С.Бнинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, жиноятни содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини, унинг шахсини, оилавий аҳволини муҳокама қилиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб, қайта тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, қонун санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд судланувчи Б.С.Бдан жабрланувчи Л.Норматованинг фойдасига 106.525.624 сўм ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 455, 457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Судланувчи С.Б Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Судланувчи С.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 13 октябрдан ҳисоблансин.

Судланувчи Б.С.Бга қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.



Судланувчи Б.С.Бдан жабрланувчи Л.Норматованинг фойдасига 106.525.624 сўм ундирилсин.

Хукмдан норози тарафлар ўн суткада, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддатда мазкур суд орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач кассация тартибида шикоят қилишга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Б.Мамадаминов

